Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

2006

5-6-сон

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—
таҳрир ҳайъати раиси
Эркин Воҳидов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Жуманиёз Жабборов
Омон Мухтор
Тўлан Низом
Хайриддин Султонов
Ибройим Юсупов
Пиримқул Қодиров
Ўткир Ҳошимов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ


Бобур Алимов
Туробжон Жўраев
Алишер Каримов
Бахтиёр Кубеев
Фатҳиддин Муҳиддинов
Ботир Парпиев
Неъматилло Худойберганов
Ислом Шоғуломов
Омонулла Юнусов
Рустам Қосимов
Қаҳрамон Қуронбоев

БОШ МУҲАРРИР
Сирожиддин Саййид
Бош муҳаррир ўринбосари
Икром Отамурод
Масъул котиб
Юсуф Файзулло
Наср бўлими мудири
Асад Дилмурод

МУАССИСЛАР:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

www.ziyouz.com kutubxonasi



Шоир – миллатнинг маънавий муаллими

Ўзбек тупроғи азал-азалдан шоирлар ватани. Ўзбекистоннинг ўзи шоир бир юрт. Ўзбек тупроғи куйласа, ҳатто, қайрағочлар ҳам рақсга тушиб кетади, дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, кўҳна Шарқда чақалоқларнинг қулоғига азонни ҳам шеър билан айтишган. Шеърий идрок, шеърий нафосат, поэтик туйғу халқимизнинг вужуд-вужудига сингиб кетган. Шу боисдан ҳам қадим Шарқда шоир бўлиш, ниҳоятда, шарафли ва, ниҳоятда, масъулиятли. Атоқли қалмиқ шоири Давид Кугультинов: "Мен ўзбек шоир биродарларимга яхши маънода бир оз раҳмим келади, — дейди. — Нега? Чунки, бу халқ бадиий сўз даҳоси Алишер Навоий ижодидан баҳраманд. Навоийдан кейин шоир бўлиш, халқ эътирофига сазовор бўлиш бу ўлкада осон иш эмас. Не бахтки, бундай жасорат содир бўлди. XX аср ўзбек поэзияси, унинг машҳур намоёндалари ижоди ана шу жасорат далилидир. Бугунги ўзбек шеърияти ютуқлари ҳам дунёга юз тутган".

Дарҳақиқат, мустақиллик даври шеъриятида, бадиий —эстетик тафаккуримиз табиатида жиддий сифат ўзгаришлари жараёни кечмоқда. Бугунги кунда эзгулик, ижтимоий адолат, гўзаллик сингари умумбашарий эстетик мезонларга асосланган бадиият намуналари маънавий маданиятимиз хазинасини бойитмоқда. Мамлакат, жамият, инсон тақдири ва келажаги, маънавий — интеллектуал камолоти бадиий — эстетик тафаккуримиз кун тартибидаги ўзак масалалар сирасидандир. Зеро, инсон онги — шуурини, инсон қалбини забт этиш, англаш ҳамда тушунтириш учун кечган ва кечаётган жараён — бадиий тадқиқотчилик ҳеч қачон тинган эмас, тўхтамайди ҳам. Мабодо, ана шу жараён сирасида сўнгудек бўлса, инсон, шубҳасиз, фикрлашдан ва ҳиссий идрокдан тўхтаб, мосуво тортарди. Бу эса, инсон зурриёдининг маънавий — интеллектуал ҳаётда таназзулга юз бурганлигининг белгиси бўлурди. Минг шукрки, инсон ўзини ўзи камол топдириши билан нажиб. Муттасил фикран ва руҳан камолотга юз тутганлиги билан мумтоздир. Бу эса, жамиятларнинг маънавий — интеллектуал ҳаётини ҳамиша янгилаб туради.

Инсон учун энг буюк сир бу унинг ўзи, дейди немис мутафаккири Новалис. Дарҳақиқат, инсон — мўъжиза. Унинг кўзлари сингари тиниқ, кўнгли монанд теран ва мубҳам хилқат йўқ. Шу маънода, адабиёт ҳам инсонга ўхшайди. Уни тўла -тўкис англаш ва тугал тушунтириш, ниҳоятда, қийин. Инсоннинг тафаккур миқёслари бамисоли осмон, кўнгли эса худди уммон. Уммонни қучоғлаб бағрингга ололмаганинг, осмонни икки қулочингга сиғдира билмаганинг каби инсонни билиш ҳам, унинг феълатвори, табиати мундоқ, дея англатиш ҳам шунчалик маҳол. Инсон ҳам жамият сингари муттасил такомилда. Шу боис, замондошларимиз онги, тасаввури ва тушунчалари, айтайлик, шўро даври кишилари дунёқарашидан тубдан фарқ қилади.

Бугунги шеърий жараёнда кечаётган фазилатлару камчиликлар инсон ва жамият ҳақидаги ҳақиқатларни айтишга интилиш билан боғлиқ. Ижобий майллар ҳам, ноқисликлару иллатлар ҳам кўнгил тоғларидан бошланиб, яна кўнгил кўчаларига келиб тугаётир. Шеър, жамият билан инсон кўнглини вобаста англашга ҳамда ёритишга қаратилган олижаноб вазифа

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шоирлик, ёзувчилик кўнгил хуши эмас, кўнгил иши бўлиб келган. Шу маънода, шоир, ёзувчи миллат ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаёти учун ҳамиша масъул ва жавобгардир. "Ер юзига ҳар қалай биз кўпроқ бурчлимиз", деб ёзади ҳақли равишда устоз Абдулла Орипов.

Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш, жамият психологияси билан инсон руҳиятини вобаста тадқиқ этиш, олис мозий воқелигига, буюк аждодлар ҳаёти билан тақдирига мурожаат орқали бугунги куннинг ижтимоий, маънавий- ахлоқий муаммоларига жавоб излаш шеъриятимиздаги поэтик тадқиқотчилик меҳварига айланди. Кейинги бир-икки йилда яратилган шеърий асарлар бунинг тасдиғидир. Абдулла Ориповнинг "Адолат кўзгуси", "Кўзтумор" китоблари, Шукруллонинг "Ошиқларга очиқ муҳаббат йўли", "Илк севги дамларин қўмсайман...", Эркин Воҳидовнинг "То жаҳонда бор эканман" туркумлари, Рауф Парфининг "Сўнгги видо", Азим Суюннинг "Эй дўст", Икром Отамуроднинг "Тавр", Фарида Афрўзнинг "Ушшоқ" шеърий тўпламлари шеърхонларнинг севиб ўқийдиган асарлари қаторидан жой олди.

Бугунги кунда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" хафталиги, "Шарқ юлдузи" билан "Жаҳон адабиёти" журналлари адабий-маданий ҳаётимизнинг кўзгуси бўлиб қолди. Янаям муҳими, ушбу нашрларда чоп этилаётган шеърлар, достонлар, туркумлар миллатнинг бадиий-эстетик савиясини тарбиялашга, такомиллаштиришга хизмат қилувчи аҳамияти билан эътиборлидир.

Бу борада, Жуманиёз Жабборовнинг "Тонг умрнинг сарлавҳаси", Ойдин Ҳижиеванинг "Шошма кўнгил, баҳор билан хайр —хўшга кўн энди", Омон Мухторнинг "Бу дунё — муҳаббат даргоҳи", Мирпўлат Мирзонинг "Қалбимда оқар дунё — дарё", Эшқобил Шукурнинг "Дунёни янгилар инсон ҳайрати", Салим Ашурнинг "Бу боғларнинг мазмуни — ёниш" сингари шеърий туркумларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар бугунги адабий-эстетик тафаккур тараққиётидаги етакчи фазилатларни ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қимматлидир.

Бундан аён бўлдики, турли жанрлар ва турли шаклларда кечаётган изланишлар, нуқтаи назарлар, фикрлар, ғоялар, қарашлар, шубҳасиз, адабий жараён табиатини белгилаб бераётир.

Айтиш мумкинки, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қалам аҳли адабий жараённи яратмоқда. Эндигина биринчи синфга қадам қўйган ўқувчидан бошлаб, талабаю муаллимларгача, врач, боғбон, ишчи, журналист, фермер сингари турфа касб эгаларигача, нафақага чиқиб кексалик гаштини сураётган қарияларгача ўй ... хаёлларини, кечинмаларини шеърий шаклда ифодалашга рағбат билдиришмоқда. Шеър майдонида баҳоли қудрат фаолият кўрсатишмоқда.

Эътироф этиш керакки, бир грамм тиллани тонна-тонна руда орасидан ажратиб олинганидек, улкан-улкан шеър хирмони, сўзлар уюми орасидан асл бадиий баркамол асарни ажратиб олиш, ниҳоятда, мушкул бўлиб қолди. Негаки, ҳамма шеърларда вазн, туроқ, қофия жойида. Гўё, фикр айтилаётгандек, кўнгиллар изҳор этилаётгандек. Адабий машқ намуналарининг ҳаммаси "ўзим аслиятман", дейди. Аслиятга даъвогар. Ва, лекин... Шеъриятимиздаги салбий тамойиллар хусусида фикр юритишдан олдин ижобий тенденцияларга тўхталмаслик инсофдан эмас.

Биринчидан, мижозий образлилик — рамзлар воситасида фикрлаш кейинги йиллар шеъриятида ҳақ гапни айтишнинг муҳим шаклларидан бирига айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, биргина Абдулла Орипов шеърларидаги Шайтон образининг бадиий, фалсафий талқини бу борада фикр юритиш учун кенг имконият беради.

Абдулла Орипов шеъриятида Шайтон рамз. У жамиятдаги, одамлар феъли-атворидаги ҳар қандай ғайриинсонийлик тимсоли сифатида фалсафий мазмунда тадқиқ этилади. Ғоят турфа қирралари билан ёритилади. ("Шайтон", "Лўттибоз", "Дилозор", "Икки ғаним", "Ишлари иғвою туҳмат ва риё", "Адолат", "Оқлар ва қоралар", "Жаннат дер ...", "Тикланиш бир ёнда...", "Комиллик", "Сирли олам" сингари шеърларида) Ҳаётнинг сирли, сеҳрли мўъжизаларини қарангки, Шайтон инсон қиёфасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам намоён бўлади. Ва, беҳад феъл-атворларнинг адоқсиз найрангларини, ғайриинсоний қилиқларини кўрсата беради.

Яна бирин билиб бўлмас ёшми ё кекса,
Билиб бўлмас, сиғингани Раҳмонми, Шайтон?
Битта кўзи нимадандир дув-дув ёш тўкса,
Бошқа кўзи нимадандир чарақлар шодон.
Булар таъма қулларидир, лўттибоз ва суқ,
Ҳаёлида на Оллоҳ бор, на юртнинг ғами.
Бундайларда наинки кўз, қалбнинг ўзи йўқ,
Лекин сирга тўлиб кетган буткул олами.

Абдулла Орипов лирикасида Шайтон кўриб-билиб бўлмайдиган хаёлий — фантастик хилқат эмас. У шундоққина ёнгинамизда биз билан бирга юрган кимса. Унинг борлиғи сирга тўлган. Шунчалар мубҳамки, босган изларию қилмишлари, сўзларию кирдикорлари одамийликка мутлақо ёт, бегона. Шу жиҳатларга кўра, у аниқ белгиларга, чизгиларга, аломатларга эга бўлган одамнинг иккиламчи қиёфаси. У биргина одам қиёфасига кириб, ёлғиз кимсаларнинг ғайриинсоний феъл-атворини намоён этиш билан кифояланмайди. Шайтон шунчалар ғайриодамийлик иллатларни ўзида мужассам этганки, жамиятдаги муайян ғоявий йўналишлар, ижтимоий кучлар ҳақида тасаввур беради. У жамиятдан, биздан айро тушмайди. Асло, инсоннинг ботинида яшайди. У ғойибдан келиб қолмаган. У одамнинг ич-ичига яшириниб олган зулм. Имони суст, эътиқодсиз, оқибатсиз, меҳр-шафқатсиз кимсалар руҳиятини ўзида ифодаловчи турфа қиёфаларда зоҳир бўлиб туради.

Шоирнинг лирик қаҳрамони давр ва жамият ҳақида, инсон ва замон тўғрисида мушоҳада юритар экан, Шайтон одамлар руҳониятини кемириш орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий тизимларига рахна солувчи қора куч-зулм тимсолида талқин этилади, тасвирланади. Ана шу тахлит умумлаштирувчи маъноларига кўра, кейинги пайтларда маънавий ҳаётимизда содир бўлаётган турли хил ғайриинсоний воқеа-ҳодисалар турфа қиёфалардаги шайтоний фаолият мисолида гавдалантирилади.

Шоирнинг бадиий-фалсафий талқинига кўра, Шайтон инсон ботинида ҳамиша яшаб келган ва бугун ҳам ўқтин-ўқтин ўзлигини намоён этиб қўяётган иккинчи мени. Одамнинг ичидан туриб, турли мазмунда овоз бераётган садо эмас, у одамнинг хоҳиш-иродасини, майл-маслакларини муайян йўналишга солаётган сезилмас куч. Одам ҳамиша комилликка интилади. Ўз шахсида комиллик фазилатларини тарбиялаш, шакллантириш учун ёзғиради ("Ҳар қандай одамга синчиклаб боқсанг, аён бўладики, озроқ жойи кам; Ҳатто энг мукаммал деган одамда, аён бўладики, бир оз ортиқроқ").

- Худойим, не учун қилмадинг карам,
Нечун комил эмас ақлим, юрагим?
- Агар сен мукаммал бўлсайдинг, бандам,
Унда қолмас эди менинг керагим.

Ҳайратланарлиси шундаки, шайтоний аломатлар одам ботинидан турфа хил садолар бериб, ўзининг борлигини, яшашда давом этаётганлигини билдириб туради. Нетонг, банда ўз ичидаги Шайтон овозини ўчиришга, негадир, ботинмайди, интилмайди.Аксинча, уни эшитишга кўнади. Оқибатда, Шайтон бандани ўз йўли-йўриғига солади. Ўз "ноғорасига" ўйната бошлайди. Турли шаклдаги субутсизлик, хиёнат, фитна-иғво сингари эътиқодсизлик, ғайриинсонийлик кўринишларининг илдизи, аслида, Шайтон йўриғига йўрғалаш оқибатидандир. Гарчанд, Шайтон саси субҳи сабо сингари ёқимли туюлса-да, эътиқодсиз одамларни йўлсизликка етаклайди. Охир-оқибат ботиндаги мусиқий садо фожиага, туйғуларнинг йиғисига уланади. Ёвузликнинг тантанасини тасдиқлайди.

Балки, сен билмассан, нимадир савоб,
Балки яхшиликка бормаган қўлинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенга ким амр этди, айлагил жавоб,
Нечун ёвузликка бурилди йўлинг?

Шайтоний васвасалар тотли ҳою ҳаваслар шаклида одамнинг кўнглини эритади. Одам ёзғиради, куйиб-пишади, турли хил зулм-залолатни замон зайлига йўяди. Булар Шайтон шўришларининг ҳаммаси эмас. У одамни охир-оқибат ўзини- ўзи унутишга, ўзлигидан тонишга, аслини йўқотишга олиб келади. Ширин ёлғон Шайтоннинг бор - буди. Милтиллаган томчилар тариқасида одам шуурини маҳв этади. Кўнглини сусайтиради. Кўнгилдан озиш - ана шу ўзликдан тониш лаҳзаларини юзага келтиради. Туҳмат, разолат, хиёнат, ёвузлик кўринишларини одам ёмон кўради. Улардан нафратланади. Ва, лекин, одам - тирик жон. Ўнг қўли бунёд этган саодат қасрларини, чап қўли култепаларга айлантиради. Ана шундай асноларда инсонни тушунмай қоласан. У Шайтон билан иттифоқ тузганми? У Шайтонни ўзининг ҳамсояси деб биладими ёки ашаддий, аёвсиз душманим деб нафратланадими? Одам шунақа англаш қийин бўлган сирли, мўъжизакор хилқат экан-да! Ҳатто Шайтонга муносабатда қатъий ва собит эмас! Боиси нимада? Сабаби, Шайтон ҳар бир имони суст кимсанинг ичига яшириниб олганлигида. Виждонини нафсига қўшиб ютиб юборган кимсаларнинг ҳар бир одимида ҳозиру нозирлигидадир.

Шайтоннинг одамлар ботинида яшаб келаётганлиги шарофатми ёки касофатми? Абдулла Орипов шеъриятида, айни шу ҳолат, банданинг ўнгланмас фожиаси сифатида талқин этилади. Инсоннинг энг катта хатоси ҳам шунда. Шайтон қавмига феълидан жой бериб қўйганлигида. Чақин ақлларни кўлмакларга, олов юракларни сўник кул уюмларига айлантириб қўйиши ҳам шундан. Шайтоннинг энг олий мақсади инсон кўнглидан Раҳмонни қувиб чиқариш, унинг ўрнини эгаллаб олиш. Инсон наслига ер юзида умргузаронлик қилиш буюрилган олис замонлардан бери кўнглини забт этиш Шайтоннинг олий аъмоли. Ана шу мақсадини амалга ошириш учун ер юзига ёвузлик уруғини сочиб чиққан. У эса, муттасил болалаб, қабоҳат, залолат, риё-адоват, ғараз -ришват сингари қусурларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Шайтон ҳар нарсага қодир. Унинг қўли ҳам, қадами ҳам узун. Қўли етмаган, товони тупроқ искамаган гўша қолмаган. Бирдан-бир илҳақ, умидвор маъво - бу инсон кўнгли. Ундан бир чимдим жой эгаллаш учун одам наслини не-не касофатларга дучор қилмаяпти, дейсиз. Инсон гирифтор бўлган энг ёвуз тузоқ - бу шайтоний нафс. У инсоннинг имонию виждонини еб битиргач, охири бошини еб тугатади ("Анови нодончи, еб бўлгач бошинг, на афсус чекади, на раҳмат дегай"; "Ишлари иғвою туҳмат ва риё, алдамчи ҳаромхўр, иймонсиз бало").

Инсон шахсидаги Раҳмон билан Шайтон кураши ҳаётнинг азалий ва абадий қонунияти тақозоси. Оллоҳ иродасигина унга кушойиш бағишлайди. Ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва залолат, тириклик ва ўлим сингари боқий масалаларни ҳам юзага чиқаради. Уларнинг маҳорабаси йиғи билан севинч тариқасида амал топгани сингари Раҳмон билан Шайтон деганда, боқий қарғиш билан олқиш тасалли ва таскин бағишлайди. Шайтон қилмишлари ила Оллоҳнинг қаҳрига -қарғишига гирифтор. Раҳмон эса, ер юзидаги эзгулик ва ёруғлик, инсон кўнглидаги одамийлик тимсоли бўлганлиги учун ҳам боқий олқишга сазовор. Шу маънода, раҳмоний хусусиятлар инсон руҳониятини поклайди. Эзгулик, ёруғлик шуълалари ила кўнгилларни чароғон этади. Кишилик жамиятларида умри битган тузумлар ўрнида башарий қадриятлар устувор бўлган янги маъволар қарор топишига умид уйғотади. Одамлар кўнглида эртанги кунлари янада ёруғ, иқболли бўлишига ишонч чироғларини ёқади.

Абдулла Орипов шеъриятидаги Раҳмон билан Шайтон ўртасидаги кураш лаҳзалари бугунги куннинг маънавий-ахлоқий масалаларига фалсафий йўсинда жавоб ахтариш демакдир. Жамият билан инсон психологиясида зоҳир бўлаётган турфа ахлоқ кўринишларига бадиий-фалсафий ечим излаш самараларидир. Инсон ҳамиша ўзини-ўзи фикран ва руҳан поклаши лозим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаёт қанчалар серқирра бўлса, одамлар ҳам шундай, англаш - тушуниш ҳамда тушунтириш, ниҳоятда, қийин сирли, сеҳрли, мўъжизакор хилқатдир. Поэтик рамзлар ҳам шунақа серқирра теран ва маъноли бўлиб бормоқда.

Рамзларга, тахайюлли тафаккур уйғотган тимсоллар асосига қурилган марҳум шоир Рауф Парфининг "Сўнгги видо" тўпламига салкам эллик йил мобайнида ёзилган сара шеърлари жамланган. Шоир шеърларида инсон шахсиятидаги, руҳониятидаги манзаралар сувратланади.

Шеърият ибтидо, шеърият охир,
Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби.
Шоирнинг онаси изтироб, ахир.

Бу ҳолат шоир изтиробининг тимсолига ишорадир.

Камондан узилган хўрсиниқ,
Югуради сарпайчанг шиддат.
Қаршисида бепоён бўшлиқ,
Ён-верида чайир сукунат.

Ушбу сатрлар Икром Отамурод қаламига мансуб. У борлиқни, инсон руҳониятини билишга, англашга сафарбар этилган шуъланинг ҳолатини акс эттиради. Икром Отамурод шеърларида фикр ҳамиша воқелик кўринишларидан ва кўнгил изтиробларидан сизиб чиқади. Ҳолатларнинг кайфиятини, кўнгил изтиробларининг маъносини уқишга чоғланган фикрнинг, ҳиснинг моҳияти қурч. Воқелик жараёнларини билиш орқали кўнгилларни тушунишга ошиқади. Кўнгил эса, шундай сеҳрга бурканганки, ҳар кимга ҳам дарчасини очавермайди. Остонасига ҳар кимни ҳам йўлатавермайди.

Демак, бугунги поэтик жараён юзасидан олиб борилган муайян кузатишларга таяниб, қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш шеъриятимиз тараққиётининг барча даврлари учун ҳам бош хусусият бўлиб келган. Унга эришиш йўллари кўп, усуллари ниҳоятда хилма- хил. Хусусан, мажозий, тимсолли образлилик Ҳақ сўзни айтишнинг, воқеликни рамзлар воситасида реалистик идрок этишнинг шаклларидан бири. Бугунги фалсафий лирикамизда ҳаёт ва ўлим, тирикликнинг мазмун-моҳияти, заминга муносиб яшаш маъноси, эзгулик ва ёвузлик, ишқ-муҳаббат, садоқат ва хиёнат, риё сингари масалалар теран тадқиқ этилмоқда.

Бу борада, Абдулла Ориповнинг "Мағзи тўқ бошоқнинг эгилишин кўр", "Янги шеърлар", Абдулла Шеърнинг "Мен тоғларда тоғ қадар ўсдим", "Ўқитади мени ҳам япроқ", Матназар Абдулҳакимнинг "Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ёди", "Ошиқлар қисмати" туркумларини қайд этиш жоиз. Боғ, Дарахт, Йўл, Офтоб, Тонг, Нур, Шамол, Қуш, Сув, Тупроқ, Куй каби рамзли образларнинг маъно теранлиги, кенглиги шоирлар бадиий дунёсининг бойлигидан, гўзал ҳиссий-тафаккур миқёсларидан дарак беради.

Бу - бир. Иккинчидан, кейинги йиллар бадиий тафаккуридаги сифат ўзгаришлари, нафақат, XX аср классикаси, шунингдек, Шарқ ва Ғарб, Лотин Америкаси, япон, ҳинд, инглиз бадиий-эстетик тажрибаларидан озиқланишда ҳам зуҳур топаётир. Бу борада, марҳум Маъруф Жалилнинг "Умринг боғин безаб баҳор, ёз келди", Муҳаммад Алининг "Нетай, кўнглим тилар фаришталарни?", Усмон Азимнинг "Фақат ел ҳайдагай майсалар бўйин", Муҳаммад Раҳмоннинг "Даҳр аро топармиз йўқотган шонни", Икром Отамуроднинг "Идрок вужудида улғайган дунё", Азим Суюннинг "Фақат севги, фақат муҳаббат", Азиз Саиднинг "Бошидан товонигача жилға жилдирар" каби туркумларини тилга олгим келади.

Эзгулик, гўзаллик, адолат принципларига асосланган мумтоз шеъриятимизда шаклланган умуминсоний ғоялар ҳозирги назмимизнинг бадиий ифода воситаларини кенгайтирмоқда. Ижтимоий-ахлоқий масалаларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

бадиий ўзлаштиришга асқотяпти, мумтоз адабиётимизда вужудга келган ҳаётбахш ғоялар тизими ўзликни англашда, онг-шуурларни ўстиришда, олам ва одам сир-синоатларини тушунишда, тушунтиришда катта ёрдам бермоқда.

Ушбу тамойил, айниқса, ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, рубоий, фард, лиро - эпик достон сингари жанрларга кўплаб мурожаатда яққол намоён бўлаётир.

Учинчидан, ҳозирги босқич шеърий тафаккури ривожининг характерли хусусиятларидан яна бири - бу тарихий - маданий меросга муносабатда, маънавий-интеллектуал қадриятларни қайтадан эстетик баҳолашга интилишларда кўриниш бермоқда. Олис мозий воқелигини, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдирини бадиий-фалсафий тадқиқ этишда, муқаддас Қуръони карим ҳамда муборак Ҳадисларга мурожаат орқали диний-ахлоқий ғоялар талқинида янги ижодий тафаккур белгиларини кўрамиз.

Тўртинчидан, анъанавий жанрлардан ташқари, яна мавзу масалаларига кўра, таснифловчи ижтимоий-сиёсий, пейзаж, ишқ-муҳаббат лирикаси йўналишида, сонет, иккилик-фард, учлик - хокку, танка, бешлик, олтилик, саккизлик сингари поэтик тур ва шаклларда ҳам эътиборли изланишлар жараёни кечмоқда. Бу борада, Фахриёрнинг "Суйги не дегани кўнгил олдида?..", Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Шафақ товланаркан худди ёқутдек", Хосият Рустамованинг "Сен ҳақингда ўйлайман" ва яна ўнлаб шоирларимизнинг туркумларини эслаш мумкин. Уларда ҳолат ва кайфиятларнинг туйғуларини, кечинмали фикрлар психологиясини, минг бир жилваларда тусланаётган кўнгил сувратларини чизишга ҳаракат қилинади.

Тимсоллар, тахайюллар асосига қурилган, ҳис-кечинмалар таҳлилидан иборат шеърлар, миллий ғурур туйғуларига йўғрилган публицистик асарлар, фольклорнинг лирик ва эпик анъаналарини давом эттираётган, унинг мундарижасини бугунги маънавий-ахлоқий масалалар талқинлари билан бойитаётган бахшиёналар, афсона ва шеърий латифалар адабий жараёнда нечоғлик хилма-хил жанрий - услубий изланишлар кечаётганлигидан далолат беради. Энг муҳими, ўрганишга, умумлаштиришга арзийдиган бадиий тажрибалар бор. Бадиий маҳорат мактаби бор.

Нўъмон Раҳимжонов,
филология фанлари доктори, профессор

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

ЭҲТИРОМ
Жуманиёз Жабборов. Конституциям — олтин китобим....2

МАЪНАВИЯТ
Султонмурод Олим. Маънавият, миллий ғоя ва мафкура....3
ҚАЛБ БИЛАН СУҲБАТ
Эркин Воҳидов. Шеърият ибтидоси....8
ҚУТЛОВ
Абдулла Орипов. Шоирнинг бахти....11
Умарали Норматов. Беназир табассум....13
НАЗМ
Садриддин Салим Бухорий. Муҳаббатнинг атрофида айланади бу жаҳон....18
Малика Мирзо. Ўзлик ўзанингни топа бил....21
Миразиз Аъзам. Бир кумуш танли ҳаёт....111
Замира Рўзиева. Ватан ўпсам тошу тупроқларингни....113
Муҳаббат Тўхташева. Қалбим дунёга очилар....146
Жамшид. Қарашлар дилга пайвасту....148
Фарид Усмон. ... Ёнаётган ҳаёт шами....150
НАСР
Нусрат Раҳмат. Буни ҳаёт дейдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги. *Ҳикоялардан иборат роман*....23
Тўлқин Ҳайит. *Ҳикоялар*....115
Жўра Фозил. Соҳилдаги уй. *Ҳикоя*....143
Эгамберди Ўроқов. Қиёфа. *Ҳикоя*....152
ДРАМА
Мухтор Худойқулов. Интиҳо. *Шеърий драма*....123
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ
Темур Давлетов. Юракда асраган азиз бир сирим....155
ЗАКОВАТ НУРИ
Абдулғофир Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. Бухоролик ирфон аҳллари (XIX-XX аср)....157
ДУРДОНА
Мирзо Бедил. ... Чизарман ҳайратим нақшин....159

САРГУЗАШТ
Юсуф Сиддиқов. Чирмовиқ гул. *Қиссадан парча*....163

АДАБИЙ МЕРОС
Каттахон Хожаи Дахбедий-Музнибий. Васлим учун мунча мақолинг на деб....170
АДАБИЁТШУНОСЛИК
Нўъмон Раҳимжонов. Шоир — миллатнинг маънавий муаллими....172
Йўлдош Солижонов, Фозилжон Кийикбоев. Азалий «авлодлар мажароси»....178
Хўжақул Муҳаммадиев. «Орзигул» достонида мифологик образлар....182
ЁДНОМА
Абдулла Улуғов. Матонатли маҳоратшунос мунаққид....185
ГУЛҚАЙЧИ
Муҳаммад Пирриев. *Думбул дойи. Ҳажвия*....188
Абдураззоқ Обрўй. *Юрибман ўзимча айлана*....190

Саҳифаловчи: Манзура Файзиева

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Обунага монеълик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 20.11.2006 й. Босишга рухсат этилди 16.12.2006 й. Қоғоз бичими 70x108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 12. Шартли босма табоғи 16,8. Шартли-рангли босма табоғи 17,5. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1500 нусха. Буюртма №*07-515*

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30

www.ziyouz.com kutubxonasi